



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
КЕЛАЖАГИ
БУЮК
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 21 март, №64 (3176)

Жума

НАВРЎЗ ЮРТИМИЗГА БАХТ ВА ОМАД КЕЛТИРСИН!

Халқимизнинг кўна ва азиз байрами — Наврўзи оламни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида хорижий меҳмонлар даврасида нишонлаш яхши аънаънага айланган.

ЛОНДОНДА НИШОНЛАНДИ

Бу йилги байрам тадбирида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпания ваколатхонаси ходимлари, Буюк Британияда тахсил олаётган талабаларимиз, хизмат сафарларидаги ҳамюртларимиз, Британия-Ўзбекистон жамияти аъзолари, ишбилармон ва

ижтимоий доира ҳамда хорижий дипломатик корпус вакиллари ҳам иштирок этишти. Элчихонамиз меҳмонлари ўзбек миллий таомлари, сумалак ва баҳорий нознеъматлар билан безатилган ўзбек дастурхони атрофида хукм сурган шоду хуррам-

ликка ҳамнафас бўлишти. Англияда ижодий сафарда бўлиб турган таниқли ўзбек хонандаси Севара Назархон ижросидаги концерт дастури тадбирга ўзгача шукуҳ киритди. Наврўз айёми таассуротлари билан ўртоқлашган хорижлик меҳмонлар: "Биз ўзбек халқининг қадимий аънаёлари ва урф-одатларини нақадар эъозлашга, ўз миллий қадриятларига юксак ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлишни яна бир бор туйвоқи бўлди" дея эътироф этишти.

Мердон ЁҚУБОВ
"Жаҳон" АА
Лондон.



«Баркамол авлод — 2003»

Ўтиб бораётган ҳар бир кун бизларни «Баркамол авлод — 2003» мусобақалари республика финал босқичига яқинлаштирмоқда. Республикамиз ўрта махсус, касб-хунар таълими талабалари ўртасида ўтказиладиган мазкур мусобақаларнинг якуний босқичи Андижон вилоятида бўлиб ўтади. Айни пайтда спорт байрамини ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

АНДИЖОН МУСОБАҚАЛАРГА ШАЙ

Ўтган йили ёзда вилоят ҳокимлиги қабул қилган қарор ва тадбирлар режасига асосан, мусобақалар ўтказувчи мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлари тuzилган. Меҳмонларни қутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантириш, дастурдаги спорт турлари ўтказиладиган жойларни белгилаш, таъмирлаш, безаш бўйича нимаки зарур бўлса, ҳаммаси режа асосида ўз муддатларида амалга оширилмоқда.

«Баркамол—авлод» спорт ўйинларининг очилиш тантаналари ҳамда бадий гимнастика, енгил атлетика, сузиш, қўл тўпи бўйича мусобақалар Андижон шаҳридаги янги қуриладиган спорт коллежида ўтказилиши режалаштирилган.

Шу кунларда 600 ўринли спорт коллежи биноси қурилиши якунланиб, пардозлаш ишлари олиб борилапти. 20 минг ўринлиқ ажойиб футбол стадиони, ёпиқ манеж қад ростлади. Айни пайтда том ёпиш ишлари бажарилаяпти. Ёпиқ ҳовуз (бассейн) ҳам битай деб қолди.

Янги барпо этиладиган коллеждан ташқари мусобақалар Андижон шаҳридаги 4 та, Марҳамат, Олтинқул, Шаҳрихон туманлари ҳамда Хонобод шаҳридаги касб-хунар коллежлари спорт базаларида, вилоятимизнинг энг яхши спорт иншоотларида ўтказилади. Уларни капитал ва жорий таъмирлаш тегишли ташкилотларга бириктилган. Масалан, дастурдан ўрин олган футбол мусобақалари ўтказиладиган Олтинқул туман марказий ўйингоҳидаги бинонинг том қисми, ювенил хонаси, мурабийлар хоналарини таъмирлаш ишлари тугалланай деб қолди.

Мусобақа иштирокчилари ва меҳмонларни жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. «Андижон», «Олтин водий» меҳмонхоналари қайта таъмирланиб жиҳозланмоқда.

Меҳмонлар Андижон тарихи, бугуни ва эртаси билан қизиқишлари табиий. Шу мақсадда вилоятимиз тарихий обидалари, ёдгорликлари, музейларига экскурсиялар уюштирилади. Байрам иштирокчилари «ЎЗДЭУ авто» каби йиллик саноат корхоналари, ўқув муассасалари, санъат қошоналари бўладилар. Шунингдек, андижонлик адиллар, санъаткорлар, спортчилар билан учрашувлар ўтказилади.

«Баркамол авлод» ўйинлари ёмлаш ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашуви ҳамда ривожланишига хизмат қилиши лозим. Шунинг учун мусобақаларнинг дастлабки босқичларини ўтказишга жиддий эътибор берилди. Уларда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги барча ёшлар иштирок этдилар.

Ушбу мусобақаларнинг вилоят босқичи ҳам якунланиш арасида. Дастлаб халқлар ва белбоғли кураш беллашувлари ўтказилди. Уларда республика финал босқичи иштирокчилари аниқланди.

2003 йилнинг биринчи ойи волейболчи, баскетболчи, гандболчи, стол теннисчиси, шахматчи йигит-қизлар учун катта синов бўлди. Мазкур спорт турлари бўйича ўзининг юксак тайёргарлигини намойиш этган жамоа ва спортчилар вилоят финал босқичига йўлланма олдилар. Қуни кеча бокс ва оғир атлетика мусобақалари ҳам якунланди. Футбол, катта теннис, бадий гимнастика, енгил атлетика бўйича вилоят беллашувлари ғолибларининг номи ҳам маълум бўлди.

Ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт ўйинлари шунинг кўрсаткичи, кучисиз рақибларнинг ўзи йўқ. Ёшларимиз маҳорати йилдан йилга ошиб бормоқда. Ишонимизки, Андижонда ўтадиган «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинлари буни яна бир бор кўрсатади.

Муҳиддин НАЗИРОВ,
ўрта-махсус, касб-хунар таълими
вилоят бошқармаси бошлиғи.

«Бунёд» — ташаббускорлик рамзи

Айтишларига қараганда, юртимизнинг хорижликлар, масалан, Хитой мамлакати билан савдо-иқтисодий алоқалари кўп йиллар илгари бошланган экан. Қарийб ўн беш аср илгари Хитой императори қорабайир отларимизга ишқибоз бўлиб, уларни олтин баҳосида сотиб олган, дейишади. Ўз навбатида Чин элининг чертсангиз жаранглайдиган нафис чиниллари бозорларимизни беъзаган. Уйчидаги «Лола узор» кўп тармоқли хусусий фирмасининг хитойлик ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий алоқаларига назар ташласангиз, «Буюк ипак йўли»да сара молларни ортганча икки мамлакат ўртасида қатнаган карвонлар ёдга тушади.

момик сочиқ, аёллар халати, болалар кийимлари ва дастурхонлар ташқи кўришидан ҳам, пишқиқ, сифатлиги билан ҳам хорижликдан кам эмас.

Давлатобод — вилоят марказининг йўлдош шаҳарчаси. Аҳолининг асосий қисми кўп қаватли уйларида истиқомат қиладиган бу ҳудудда янги иш жойлари жуда-жуда керак. «Бунёд»да эса 180 киши меҳнат қиладиган жой тайёр. Қолаверса, янги жамоа туманининг экспорт салоҳиятига куч беради. Россиядан келган меҳмон, «Сибтекстиль» компанияси директори А. Кайков дастлабки хорижий харидор сифатида 224 минг АҚШ доллари миқдоридagi шартномани имзолагани хамир учидан патир бўлди.

«Бунёд» Наманган вилоятидаги саксонинчи қўшма корхона. Йилга 600 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг саксон фоизи экспортга чиқарилиши эътиборга олинса, унинг валюта захирасини тўлдирришдаги ҳиссаси ҳам ойдинлашади.

Кудратилла
НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жумладан, фирманинг чой қалқоқлашга ихтисослашган қўшма корхонасига қўшни елдан келаётган контейнерлардаги сара хомашё — Ўзбекистон истеъмолчиларига мўлжалланган кўк чойнинг ўзига хос хуш таъми бор. Машадилик ака-ука Мирзаамедовларнинг дадиллик билан хорижга чиқа олгани туфайли минтақада биринчи бўлиб очилган корхонада қалқоқланган маҳсулот бугун бутун Фарғона водийси бозорларини беъза турбиди.

нинг навбатдаги лойиҳаси — Давлатобод туманида иккинчи қўшма корхонаси барпо этиш ҳақидаги таклифи шерикларга маъқул тушгани шундан. Бирга ишлаш жараёнидаги тажрибалар асқотиб, кенг истеъмол моллари тайёрлашга ихтисослашган корхонани қисқа муддатда барпо этишди. Ҳар икки томоннинг яратувчилик ишлари рамзи сифатида уни «Бунёд» деб номлашди.

Узаро манфаатли ҳамкорлик «Лола узор»нинг Хитой Халқ Республикаси Тянь Жинь шаҳридаги «Шанью» савдо ишлаб чиқариши компанияси билан муносабатларида янги уфқ очди. Уйчилик тадбиркор Ҳабибулла Мирзаамедов-

нинг навбатдаги лойиҳаси — Давлатобод туманида иккинчи қўшма корхонаси барпо этиш ҳақидаги таклифи шерикларга маъқул тушгани шундан. Бирга ишлаш жараёнидаги тажрибалар асқотиб, кенг истеъмол моллари тайёрлашга ихтисослашган корхонани қисқа муддатда барпо этишди. Ҳар икки томоннинг яратувчилик ишлари рамзи сифатида уни «Бунёд» деб номлашди.

ИНСОНПАРВАРЛИК

жиноий жазоларни либераллаштиришнинг бош мақсади

Бугуннинг тапи

Қаттиққўллик, зугум одамзодни зада қилиб қўяди. Юрагини олдирган авом хавф-хатарда кун кўради. Нима қилишини билмайди. Узининг ҳар ишдан иккиланаверади. Охир-оқибат ҳар нарсадан чўчийдиган кўрқоққа айланади. Табиийки, кўрқоқ одам на мушакил фикрли билди, на тайинли ишга қўл уради. Мустамлака даврида биз ана шундай кун кўрдик. Йилдан йилга таълиқ остида яшадик. Бутун бошли халқ куч билан, қаттиққўллик эвазига ушлаб турилди. Элдан ботири, бийрони чиқса, минг бир усул уйлаб топилиб, худабехуда айб қўйилиб жазоланди. Жазоланганда ҳам оғир жазоланди. Совуқ ўлкаларга сургун қилинди. Ҳатто судсиз, терговсиз отиб ташланди.

қатсизлиги, адолатсизлиги эди. Аслида-ку, қонун бор эди, фақат унинг мижазидан қон сизиб турарди.

Бир воқеани биламан. Далада кетмон чапаятган дехқон эҳтиётсизлик туфайли фалокатга йўлиқди. Яъни у юқорига кўтарган пайтда кетмонни сопидан чиқиб кетади. Оқибатда ариқ бўйида уйнаб ўтирган боланинг устига тушиб, жароҳат етказди. Агар билсангиз ўша бечора қамқондан соч-соқоли оқариб қайтади. Кейин судланган, деган иснолда чиқолмай қишлоқдан кўчиб кетади. Ўша одамнинг оиласи ҳали-ҳануз ҳақсизлиқни, шафқатсиз тугумни қарғайди. Бундай нозилик кайфияти уруғ-аймомига ҳам ўтган.

(Давоми 7-бетда).

Наврўз — гўзаллик ва яшариш байрами.
Ёшлик — гўзаллик фасли.
Гўзаллик билан гўзалликнинг учрашувидан эса мўъжизалар туғилади.
Бугун юртимиз ана шундай тенгсиз мўъжизалар бағрида ороланиб, кўркамланиб яшамоқда.
Юртимизда Наврўз кезмоқда.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Ироққа қарши уруш бошланди

Бугун бутун жаҳон аҳлининг нигоҳи Ироққа қаратилган. Кеча эрталаб АҚШ бошлиқ коалицион кучлар Ироққа қарши ҳарбий операцияларни бошлади. Ироқ ҳарбий объектига авианазарбалар берилди, қанотли ракеталар ташланди. Америка ҳарбийлари расмий Бағдодга қарши урушда F-117A «Stealth» стратегик-бом-

бардировкачи самолётлардан фойдаланмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан сўнг АҚШ президенти Жорж Буш миллатга мурожаат билан чиқди. У Ироққа қарши уруш бошланганини, АҚШ, албатта, ўз мақсадига эришишини қайд этди. Ироққа қарши урушнинг бошланиши дунё давлатларида турлилик акс-садо бер-

ди. Маълумки, айрим мамлакатлар аввалдан Ироқни куролсизлантириш учун унга муҳлат бериш тарафдори бўлиб келмоқда. Ироққа бу иш учун 12 йилдан кўпроқ вақт берилди. Лекин Салдам Хусейн бундан тўғри хулоса чиқармади. Яна қанча куттиш мумкин?
(Давоми 7-бетда).

Айёмга тухфа

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ҳомийлигида «Наврўз» нашриётида «Наврўз байрами» номли биттиклар, сценарий ва шеърлар китобчаси чоп этилди.
Т. Эшбек, Ш. Миралӣмов, А. Собиржонов ва М. Шодиевлар тўлаб наврозга тайёрлаган ушбу рисолада Наврўз тарихи, унинг табиат ва дехқончиликка уйғулиги, меҳнатга ҳамоҳанглиги ҳақида қизиқарли маълумотлар, халқона термалар, пурҳикмат нақллар жой олган.
Дилшод УСМОНОВ.

АЛЛО, СИЗНИ «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТАЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ!

• Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятидаги камчилик ва ютуқлар, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан яна қандай меъорий ҳуқуқий ҳужжатлар зарур?
• Республикада қайси тоифадаги фуқароларга уй-жой фондиди сақлаш ва коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар берилган?
• Шахсий уй-жойларга газ ўлчам приборларини ўрнатиш тартиби ва жараёнининг бориши билан боғлиқ масалалар.
• Хуллас, мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор ўзгартиришларининг гоаят муҳим устивор йўналишлари бўйича Сизни қизиқтираётган саволларга шу йил 26 март кунин соат 10.00 дан 12.00 гача
Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директори Ўткир Оччиловчи ХОЛМУХАМЕДОВ билан 132-25-37 ва 35-80-54 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиши имконига эга бўласиз.
Агар саволларни олдиндан бермоқчи бўлсангиз (8-371) 132-10-65, 136-09-67 телефонлари ёки (8-371) 136-37-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин.
Интернетдаги манзилимиз: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

ОЛАМ ШУЛИБ ХУШБЎИ-ХУШБЎИ ХАВОЛАР КЕЛДИ

Тухфа

Тўрт йил муқаддам Кримга кўчиб кетган Раиса Гатауллина болалиги кечган, бахтини шу ердан топган, бир этак фарзандларини оқ ювиб, оқ тараган Пойтуғнинг чимилдиқдаги келинчақдай ороланиб чирой очилини хаёлига келтирмаган эди.

— Бу ерлар бир аҳволда ётарди. Хув нарида пастак-пастак бинолар бўларди? — Тадбиркорларимиз ўша иморатларнинг баҳри-

да сумалак пиширганларимиз, сайлар уюштирган-нимиз, ўйин-кулги қилиб яйраганларимиз тушларимга кириб чиқди.

амалга оширилди.

«Обод маҳалла йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши маҳаллалар фаолиятини янада жонлантириш учун муҳим омил бўлди. «Маҳалла Ватан ичра Ватандир» каломи избос-канликларнинг шорига айланиб қолди. Маҳаллаларда, гузарларда сумалаклар пиширилиб, элга ош берилмоқда. Камхарж оилалар, ёши улғу кексалар ҳолидан хабар олинаёттир. Наврўз эшик қоқайтган кунларда яна бир хушхабар қанот қоқди. 14 та маҳалла фуқаролар йиғини янги, кўркам биноларга кўчиб ўтди.

— Наврўзлари тўйларга айланиб кетадиган тинч юртда осуда ҳаёт кечирмоқликнинг ўзи бир бахт, — атрофга тўймайин боқади меҳмон.

— Сиз ҳақсиз, — дейман ифтихор билан.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳар ёнда тароват

дан ўтишиб, ўрнида янги хизмат шохобчалари очилди. Наврўз арафасида уларни қуриб битказиб, ҳамқ-ишлоқлари ихтиёрига топширишди.

— Олди гулзор, рангин ойнали кўркам бино-чи?

— Уми, шошилинч тиббий марказимиз. Ўтган Наврўзда очилган.

— Наврўзини соғиниб-соғиниб яшайман, — юраклари тўлиб сўзлайди меҳмон. — Маҳалла аёллари тўланиб, катта қозонлар-

Ҳа, юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Избоскан туманида ҳам улғу байрамимиз ўзгача кўтаринкилик, шоду хуррамлик билан кутиб олинмоқда. Ҳоким ўринбосари Улуғбек Каримовнинг айтишича, олти километр йўл бўйига икки минг туп арча, олти минг туп терак кўчати ўтказилди. 16 та хўжалик ҳомийлигида Пойтуғ-Куйганёр йўлида кенг қўламдаги ободонлаштириш ишлари



Яна баҳор келди, бизни сўроқлаб...

Табиат гўё ўзи мисолида инсонни ҳаммиша тинимсиз ҳаракатда бўлишга, униб-ўсишга даъват этаётгандек. Чор атроф яшилликка бурканяпти. Дов-дараклар-у, жамики тирик мавжудотни қўшининг ҳароратли тафти билан аслида тупроқ уйғотмоқда. Табиатнинг бу мўъжизасида минг бир ҳайрат, сир-синоат бор. Бу моддий дунёнинг энг хокисор ва бой, энг саҳий ва мўъжизакор унсур ҳам тупроқдир. Хокисорлиги шундаки, у жонли-жонсиз нимаики бор, ҳаммасини баргига синдира олади. Барчанинг оёқлари остида бўлиш фақат тупроққа хос хусусиятидир. Унинг баргини ўядилар, тўзлайдилар, сотадилар, қон тўқадилар — ҳаммасига жим бардош беради. Озгина меҳру муҳаббатдан дарҳол яна кучга кирадиган ҳам — унинг ўзи.

Бизгача неча миллионлаб одамларга у ватан бўлди, қанча-қанчасига фақат ҳазина бўлди, холос. Тупроқ тафтини ҳис қилмасдан ўтиб кетганлар ҳам кўп бўлди. Биздан кейин ҳам шундай бўлади.

Дунёда бирор озуқа, анжом, нарса йўқки, тупроқ билан боғлиқ бўлмас. У юз уруғни минг қилиб берса, наинки инсон, ҳатто унинг хизматидаги жонзотларга қадар озуқа етиштирса... Одамларни тўйдирса, кийдирса, бошпана бўлса... Саховатнинг яна қандай хили қолди у қилолмаган?

Тупроқнинг мўъжизакорлигини фақат меҳнат билан тушуниш мумкин. Бу тилни яхши билганларгина ундан баҳра оладилар. Яна бир томони бор. Сиз пуч уруғни қалаб қўйинг, ҳосил унармикан? Ақл ва меҳр уйғунлашган меҳнатда уруғ бўлиқ бўлади.

Абу Райҳон Беруний асарларидан бирида нима экса, шунга ўради маъносидан инсон кўнглини тупроққа ўхшатган. Ҳасад, нафрат, ёмонлик уруғи кўпайса, кўнглини қақир тиканакзор қоплашини, у бора-бора эгасини хароб қилишини, аксинча эзгулик, меҳр-муҳаббат, ҳалоллик сингари ёруғликлар ундирилса, ундайин кўнгли юзлаб одамларга руҳий озуқа етказишини айтган.

Демак, тупроқ билан бирга борлиқ янгитдан уйғонмоқда. Инсон кўнглида ҳам саховат, меҳр-муҳаббат туйғулари, мўъжизакорлик, бўёндорлик хислатлари яна тугилмоқда. Уни она заминда ҳам, кўнгли майдонда ҳам кўпроқ ва хўпроқ ундира олсак, қанийди? Зеро, одамзот бу мафтункор дунёда ўзини мукамал кўрмоқ умидида яшайди.

Мамлакат НОРМУРОВОДА.

Янги бинолар

Чирокчи туманининг «Чиял» ширкат хўжалигига қарашли Чувуллоқ қишлоғида маҳалла гузари мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Замонавий ўсуда қурилган, барча қулайликларга эга бўлган мажмуани тадбиркор Х.Ерпаев ўз шахсий маблағи ҳисобига қурди. Шу куни тумандаги «Сохибор» хўжалигида 8,5 миң аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти ҳам ишга тушди. Туман йўлсозлари эса байрам арафасида янги бинога эга бўлдилар.

чи туманида амалга оширилган ишлар. Умуман, Қашқадарё вилоятида байрам арафасида 9 та маҳалла гузари, 8 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та мактаб, 4 та чойхона, 2 та кўп қаватли турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Муборак туманида эса ёшлар спорт мажмуаси, Гузор туманида теннис корти ишга туширилди.

Шунингдек, 46,6 километр масофага ичимлик суви, 79,8 километрга газ кувурлари тортилиб, аҳолига катта қулайлик яратилди.

Ўз мухбиримиз

Момолар дуоси

Табиатнинг наққош қалами-ла осмон кўм-кўк рангга беланиб, қўшининг заррин нурларидан завқ олади. Чумчуқлар майин шаббода билан ўйнашиб, шўх наволар қуйлашади. Офтоб нуридан баҳра олган майсалар хушбўй таратиб унга пешвоз чиқишади. Яйловларда варрак учираётган болаларнинг чугур-чугури ёш қўзичоқларнинг оҳиста «ма-а-лашларига қўшилиб, ажиб бир оҳанг касб этади. Дошқозонларда қайнаётган сумалакларнинг ҳиди атрофни тутайди. Момоларимизнинг юракдан қилган дуоларидан диллар ёришади. Ёш келинчақлар-у жажжи қизалоқларнинг шўх кулгиларидан атроф яйраб кетгандай бўлади.

Майин шаббоданин илқ нафаси,
Аста силлаб ўтар қоққаларимни.

Қалбимда ниш уран Наврўз шарпаси,
Ўйғотади рангин туйғуларимни.

Ирода НИГМАТОВА,
ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей талабаси.

«Юлдузларга «Юлдуз» қўшилаяпти

Азим ва навқирон Тошкент жуда кўп халқро анжуманлар, тадбирлар, саммитлар ўтказилган ва ўтказилаётган шаҳар сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзини ҳо ҳуфзуга эга. Жорий йилнинг май ойида эса мамлакатимиз пойтахтида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Маъкеи ва қўламини жиҳатидан юксак бу анжуманда дунёдаги йирик молия ва банк муассасалари, таниқли компаниялар раҳбарлари, иқтисодчилар ва уму-

дислик линияларини шаҳар тармоғига улаш ниҳоясига етди. Электр таъминоти тармоқлари, сантехника ускуналари монтажи, ички пардозлаш ва пол ётқизиш ишлари ҳам тугаланиши арафасида турибди. Тез орада хоналарга мебеллар қўйиш мўлжалланаяпти. Бу ишларни амалга ошириш баробарлиги «Ле-Меридиен» компанияси мутахассислари иштирокида 260 нафар хизмат кўрсатувчи ходимни

Ватан тинч, омон бўлсин

Она юртим Туркистон, азиз киндик қоним тўкилган муқаллас тупроқ — Фарғона водийсидан бош олиб кетилаётган чоёда мен онам қўлида ўттиз кулик чақалоқ эдим. Етмиш икки йиллик умрим Ватанга ташналик билан кечди. Унинг дийдорига истиқлол шарофати, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов бошчилигида олиб борилаётган снёт-сат туйғайли мушарраф бўлдим. Дустлик жамиятлари Кенгаши таклифи билан Мустақиллик ва Наврўз байрамларида иштирок этиб, кўнглим анча

Табрик

ва ўрта бизнеснинг ривожига кенг йўл очилгани, иқтисодийнинг асосий пойдевори бўлган банклар фаолиятидаги ўзгаришлар ҳам таҳсинга сазовор. Менинг Ватаним — дунёда тинчликни асрашни муқаддас бурч деб ҳисобловчи мамлакат сифатида танилмоқда. Бугун Наврўз байрами куни ягона тилгим: она ватаним тинч бўлсин. Ватандошларимни эса байрам билан қутлайман. Собир САЙХОН, Туркиялик йўлчи.

жуманга тайёргарлик ишлари бошқа йўналишларда ҳам изчил давом этмоқда. Жумладан, «Халқлар дўстлиги», «Туркистон» саройлари, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, маданият ва истироҳат боғлари меҳмонлар учун ҳозирланмоқда. Телекоммуникация ва алоқа тизимида узиллишар бўлмаслигининг олдини олиш борасида эса муайян ишлар амалга ошириляпти. ЕТТБнинг йиллик мажли-



ЕТТБнинг Тошкент анжумани: ТАЙЁРГАРЛИК АЪЛО ДАРАЖАДА

си иштирокчиларининг аксарияти юртимизга илк бор қадим рангига қўйилган ҳам эътиборга олинаёттир. Хусусан, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби кўҳна ва навқирон шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, вилоятларда бўладиган тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан учрашувлар ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир меҳмон юртимиздан илиқ таассурот билан қайтиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ҳамкорликнинг янги қирралари

Шу ўринда Ўзбекистон ва ушбу нуфузли молия ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик хусусида сўз юритишдан аввал Европа Тикланиш ва тараққиёт банкнинг мақсад ва назоратлари қисқича тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур банк мустақилликка эришган мамлакатларда иқтисодий тизимни шакллантиришда ўз сармоя воситалари билан ёрдам беради ва бу орқали иқтисодий тармоқларини ислоҳ қилишга, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилишига молиявий томондан қўмақлашади. Ўзбекистон 1992 йилнинг 30 апрелида ЕТТБга аъло бўлди ва банк ўзининг биринчи лойиҳасини республикада 1993 йилда амалга оширди. Кейинги пайтда мазкур банк Ўзбекистонга таълуқли 7 та йирик лойиҳани

таъиноти, телекоммуникация тармоғини ривожлантириш бўйича ҳам кичик молиялаш бунёдчи лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. ЕТТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ривожлантириш стратегияси унинг Директорлар Кенгаши томонидан 2001 йилнинг 30 мартда маълумланган режасига асосан, мамлакатимизда хусусий тармоқни ривожлантириш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш (масалан, «Асак» банкнинг хусусийлаштириш жараёнида ЕТТБнинг иштироки), электр энергияси мажмуини такомиллаштириш, табиий манбаларни ўзлаштириш, пахтачи қайта ишлаш ва енгил саноатнинг турли тармоқларини, туризм инфратузилмасини тараққий эттириш ҳам кўзда тутилган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва ЕТТБ ўртасида ҳамкорлик ичра йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга молик. Жумладан, умумий қиймати 324,9 миллион АҚШ долларидек 9 та лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, Миллий банк томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 2 та кредит линияси бўйича ЕТТБ иштирокида 120 миллион АҚШ доллар миқдоридан маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари кредит линияси доирасида Миллий банк томонидан 22 та лойиҳа таялаб олинди, шу жумладан, иккинчи кредит линиясида иккита лойиҳа ЕТТБ томонидан молиялаштирилиб, улардан 21

ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва ЕТТБ ўртасида ҳамкорлик ичра йўлга қўйилганлиги ҳам эътиборга молик. Жумладан, умумий қиймати 324,9 миллион АҚШ долларидек 9 та лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, Миллий банк томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 2 та кредит линияси бўйича ЕТТБ иштирокида 120 миллион АҚШ доллар миқдоридан маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари кредит линияси доирасида Миллий банк томонидан 22 та лойиҳа таялаб олинди, шу жумладан, иккинчи кредит линиясида иккита лойиҳа ЕТТБ томонидан молиялаштирилиб, улардан 21

Сандолми ҲАЙДАРОВ,
Нўрмонжон
МУҲАММАДЖОНОВ
(суратлар).
«Халқ сўзи» мухбирлари.
СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Тошкент» меҳмонхонасининг таъмирлаш жараёни; пайвандада Устлар тўрқилик Шайхон У (чапда) ва Акбар Мамасодиқов.

«Ўз ДЭУ Банк»

жамоаси

Ўзбекистон халқини
янгилашни, яшарни,
тинчлик-омонлик ва фаровон
ҳаёт тилсоли бўлган


НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан самимий кўтлайди.

Барчага йил давомида бахорий кайфият
ҳалроҳ бўлишни тилайди.



AVIALEASING



«АВИОЛИЗИНГ»

АВИАКОМПАНИЯСИ

Қорни хотандошлар!
Сизни кўриб келадиган баҳор
айёми — Наврўз байрами
билан чин тўрақдан
табриклайди!

Барчангизга мустаҳкам
соғлиқ, бахт, омад ва
улкан муваффақиятлар
тилайди!



«ШОШТРАНС» ЁАЖ

Shoshtrans

Меҳнатсевар Ўзбекистон
халқини гўзал баҳор айёми —

Наврўз

билан самимий табриклайди!

Мана шу табиатнинг уйғониш кунларида
барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, ҳар бир оилага
қут-барака, эл-юрт равнақи,
Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши,
ижтимоий-иқтисодий юксалиши
йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда
улкан зафарлар тилаймиз!



РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —

«ҒАЛЛАБАНК»

ЖАМОАСИ

Ўз акциядорлари, мижозлари ва бутун мамлакатимиз аҳолисини баҳор байрами

Наврўзи олам билан

чин дилдан табриклайди.

Наврўз гўзаллик, яшариш байрами бўлиш билан бирга, меҳр-мурувват ва саховат фасли ҳам ҳисобланади. Ушбу улуғ айём кунларида ҳаммага соғлиқ-саломатлик, оиласида тинчлик, хотиржамлик ва дастурхонига барака тилайди.

Ўтган йил республикамиз галлакорлари учун ниҳоятда баракали келди. Жорий йилда ҳам омборлар донга, дастурхонлар нонга тўлишига тилакдошимиз. Универсал банк мақомига эга бўлган молиявий муассасамиз мулк шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатаётганлигидан фахрланади.

“Ғаллабанк” хонадонингизга барака келтирсин!



“ЎЗПАХТАСАНОАТ” уюшмаси

барча юртдошларимизни баҳор ва бахт, шодлик ва навқиронлик байрами —

Наврўзи олам билан табриклайди!



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ
БИРЛАШМАСИ ВА
«ТАХИАТОШАГРОТЕХМАШ»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

мустақил мамлакатимиз халқини

Наврўз айёми

билан қизгин табриклайди!

Ҳар бир меҳнат жамоасига иқтисодий ислоҳотларда ютуқлар, ҳар бир хонадонга осойишталик, қут-барака, сеvimли Ватанимизга янада ривож тилайди!



Анжуман

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди. Юртбошимизнинг маърузасидан кейин давлат миқёсида унда белгиланган вазифалар ва қоидаларни халқимиз онгига етказиш мақсадида қаратилган йирик ташкилий-маърифий дастур ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Ушбу Дастурнинг бўлимларидан бири «Бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш» деб номланган.

Соғлом рақобат — таракқиёт омили

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, дастурнинг шу бўлими асосида ҳам ўз талбирларини белгилади. Масалан, вазирлик ташаббуси билан «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари ва истиқболлари» мавзусида илмий-амалий семинарлар ўтказилмоқда. Бундай семинарларнинг биринчиси 2002 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтида ташкил этилди. Шу йилнинг 18 март куни эса навбатдаги семинар Тошкент Молия институтида бўлиб ўтди.

Хўш, нега илмий-амалий анжуманларда иқтисодиётда рақобатбардошликни таъминлаш масалалари бош мавзу сифатида қўйилмоқда? Бунинг асил сабаби шуки, соғлом рақобат бор жойда — таракқиёт бор. Ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам рақобатга эътибор султалася, у ерда монополистик манфаатлар ва қарашлар ҳукмронлик қилиб олади, оқибат натижада, ривожланиш депсинишга юз тутлади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларини изчил қарор топтириш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда бир қатор қонунлар қабул қилинди. Республикада Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ишлаб турибди. Шу билан бирга, миллий

иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, рақобат муҳитини чуқурлаштириш борасида жиддий муаммолар ва ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар ҳам етарли. Чунончи ишлаб чиқариш ва савдо-бозор соҳасида монополистик манфаатларни ўтказишга интилишлар кўзга ташланиб турибдики, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Илмий-амалий анжуманда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси А.Баҳромов, Иқтисодиёт вазирлиги Макроиқтисодий ривожланиш мониторинги ва унинг истиқболлини белгилаш бўлими бошлиғи Ё.Файзуллаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси доценти Р.Ҳасанов ва бошқа мутахассисларнинг маърузаларида дунё миқёсида ва республикамиз иқтисодиётида рақобат муҳитини ривожлантириш масалалари таҳлил этилди. Анжуман давомида мавзу юзасидан мунозара ўтказилди ҳамда айрилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжуман ишини Тошкент Молия институти ректори, академиги М.Шарифхўжаев бошқарди. Унда олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фулмоов маъруза қилди.

М.САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Байрам арафасида шаҳарга узатган қизим ўғилчаси билан кириб келди. Эғнидаги янги фасонда тикилган баркут қўйлагига кўзим тушди-ю, юрагим жиз этди. Бундан бир неча йиллар аввалги воқеа хотирамда жонланди.

... Наврўз яқинлашиб қолганди. Шаҳардаги дўконларнинг бирида ўша пайтларда урф бўлган гулли баркут сотилаётганининг устидан қийдим. Апил-тапил бир қийимлик сотиб олдим. Хотиним уни ёзиб кўраркан, юзлари қувончдан пор-

лади-ю, сўнди. Сўнг ўпкаланган оҳангда деди:

— Қаранг, жудаям чиройлигидан учраган экан, чайқовдаям бунақасини топши қийин. Бувимга ҳам қўшиб олмасиз-да.

Иzza бўлганимдан нима дейишни ҳам билмай қолдим. Пулим етмай қолди, дейманми. Бувим эсимга келмабди десам яна бўлмася. Шу аснода амаллаб гўлдирдим:

— Бувимга янаям бошқачасидан олиб берарман.

Эртаси куни нима бўлди-ю, ишдан анча барвақт

Армон

келдим. Бувим па-стаккина девор ёнида қўшни аёл билан суҳбатлашиб турар, қўйлагига кеча мен харид қилган матони кўрсатиб дерди:

— Ўғлим байрамлик қилиб менга баркут қўйлаклик олиб келибди.

— Вой-бўй, чиройли

Катра

экан-а, ўғлингизнинг дидиям чакки эмас, ишқилиб умридан барака топсин, отинча, — деди қўшни аёл.

— Ҳали-ҳозир оҳорли қўйлагим бор, келинимга сиз қийинг дедим. Ҳар қалай ёш нарася...

Этим жимирлаб кетди.

Бувимга ҳам қўшиб олмангиз юз пушаймон бўлдим. Кейин билсам, хотиним ўша баркутни тиктириб қиймаган, бувимга ҳам олса бирга қиярмиз, деб сандиққа ташлаб қўйган экан. Орадан ҳеч вақт ўтмади, бувимдан айрилиб қолдик.

Йиллар тўзондек соврилди. Қанча байрам, қанча ҳайитлар ўтди. Не кўз билан кўрайки, қизимнинг эғнидаги ўша баркут кўзимга жуда иссиқ кўринди. Қизимиз узатилганда хотиним сепига қўшган экан.

Раҳматли бувим қўшни аёл билан сўзлашиб турган ҳолати кўз олдимда гавдаланди. Мулоим овозини такрор эшитгандай бўлдим: «Ўғлим байрамлик қилиб, менга баркут қўйлаклик олиб келибди».

Ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган армон димоғимни ачиштирди. Қўзларимга тўлган жиққа ёшни яширишга беҳуда ури-нардим...

Абдулаҳад ҲИМОЛОВ,
Асака туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси.

“Уздунробита” компанияси азиз ватандошларимизни улумжаалқ байрами бўлган Наврўз билан табриклайди.

Ҳаётингизда эзгулик, фаровонлик, омад ва бахт ҳамроҳ бўлсин!

UZDUNROBITA
first cellular

УзАСИ АА №0000104

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ТИЖОРАТ

«ХАЛҚ БАНКИ»НИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон халқини, ўзининг садоқатли мижозларини яшариш ва уйғониш, баҳорий тиниқлигу наҳорий илиқлик байрами — **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан самимий муборакбод этади.

Баҳор айёмида сизга қуйидаги хизмат турларини таклиф этади:

- «ТЎЁНА», «КОМФОРТ», «АВТОКРЕДИТ», «ОЛТИН ВОДИЙ» омонат кредитлари ҳамда янги турдаги «ТАДБИРКОР», «ТАНТАНА», «ФАХРИЙ», «САРМОЯ-ПЛЮС» омонат турлари, шунингдек, «ТАЛАБА», «ТАҲЛИЛ», «АБИТУРИЕНТ» таълим кредитлари.

БИЗ СИЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН МАМНУНМИЗ.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!



Манзилимиз: 713000, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 33-уй.



Бугун ҳамма ёқда кўклам, новдаларда ҳаёт нафаси. Гуллар юзида ханда, қўёшни қутлагандай. Бўртиб турар "бузоқ кўзи" гилослар. Бодом андак эрта гуллаб қўйибди шоқалоқлашиб. Совуқ еллар унга панд бериб қўйибди-да. Ха, илк баҳорнинг ҳам ўз феъл-автори бор.

Ариқ бўйлариди осмон ранг бинафшалар чирой очибди. Ажиб ҳил таравчи ялпизлар-чи. Лобар она-хонлар шифо бўлмай деб кўк сомса ёпар, чучвара тутар. Шу кунларга етказганига шукур, бўлсин дея Яратганга ҳамдусанолар айтар.

Баҳор бетинч фасл. Эрталаб Кўёш оламга нур сочиб турган эди. Қайландир дайди шамол пайдо бўлди-ю, бир пасда чақмоқ қақиб, момақалдироқ гўмбирлади. Челакдан қуяётгандай, гўё дов-даракларни чўмилтираётгандай дўл аралаш ёмғир ёға бошлади. Шундай пайтда онам: «Осмонда девлар тош ўйнамоқда», дердилар. Сўнг дақиқалик ёмғир тиниб, пага-пага булутлар сув ичкали дарё томон кетди. Табиат кўзонга бўлаётган бу ажиб ҳодисалар аслида Наврўз қўшиғидир. Баҳор қизи қуйлаётган кўшиқ. Жаҳон шоҳи Кўёш жаноби олиёлири чарақлаб, эл-юртта нур-ҳаёт баҳишида айлар. Зеро, шу муқаддас кун кўнотда бир азали мўъжиза: Олам таразиси мувозанатда турибди. Кун ва тун баробарлашган ажиб ҳодисалар. Бир паллада нурли кун, бир паллада сокин тун. Бундай ҳолат азалади, дунё яратилибдики шундай, уни ҳеч ким ўзгартира олмас, шоҳлар ҳам, донишманд олимуллар ҳам.

Фаргона шахрида хиёбонлар, оромгоҳлар талайгина. Улар орасида Аҳмад ал-Фаргоний номи билан аталадиган оромгоҳнинг ўз ўрни ва нуфузи бор. Лекин шаҳарда ҳануз болалар учун мўлжалланган сайилгоҳ йўқ.

Болажонлар оромгоҳи

Фаргона вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан энди шу кетмиқнинг ўрни тўлдирилади дегилди. Аҳмад ал-Фаргоний боғига деярли тутташ азим Марғилонсойнинг ўнг қирғоғида янги оромгоҳ бунёд этиляпти. Қарийб 5 гектар майдонни ташкил этадиган бу жойга яхши ният билан «Болажонлар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи» деб ном берилди.

Оромгоҳда машҳур «Дисней-ленд» лойиҳаси бўйича болалар яйраб ўйнайдиган аттракционлар, сузиш ҳавзалари, турли спорт майдончалари бунёд этилади. Оромгоҳнинг дастлабки ўйингоҳлари Наврўз байрами арафасида, тўласича эса, болаларни Халқаро ҳимоя қилиш куни — 1 июнгача ишга туширилиши кўзда тутилган.

Набижон СОБИР.

дан энди ниш чиқара бошлаган бугулай нилҳолларини териб келиб, қозонга ташлабди. Кейин устига сув солиб қайната берибди. Сойдан тошлар келтириб, уларни ҳам қозонга ташлабди. Болалари хурсанд эмиш, оқат бўлаётти деб.

Момоҳол она болаларининг қозон атрофида айланиб, хурсанд бўлатганини кўриб, юраги ачишар. Аллоҳга ёлбориб, жигарбандаларига ризқин-рўз сўрар. Кейин нима учундир, чарчаганидими, гафлат босиб кўзи уйқуга кетиб қолибди. Бир вақт болаларининг шовқин-сурини уйғониб кетибди. Қараса улар қозондаги сариш таомни ишгаҳа билан танававул этишадиган эмиш. Шундай қилиб, она меҳри сумалакни кашф этган экан.

Наврўз ширин ҳаёллар, орзулар фасли. Ойла даврасида ҳам катта тайёргарлик. Ойла салтанати бошида Ота турар, мағрур ва масрур. Хонадон кўрки, обрў-этибори. Ота уйга кириб келаётганда гўё нур ёғилаётгандек, осойишталик қарор топгандек. Болалар

Лондоннинг Виктория ва Альберт музейида «Ҳамза саргузаштлари» номли тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Унда Бобурийлар сулоласи маданий мероси дурдоналаридан бири ҳисобланмиш «Ҳамзанома» китоби киритилган 68 нодир тасвирий санъат

Деминшларким, қадим-қадим замонларда тоғ ёнбағридаги сўлим бир қишлоқда ночор ойла яшар экан. Ойлада уч ўғил, бир қиз. Болалар ёш, барчаси еярман-ичарман. Ушанда илк баҳор, авжи илик узилди пайт. Уй хўжаси Али бобо тонг билан ўтин териб келгани тоққа чиқиб кетибдию, шу-шу қайтиб келмабди. Энди оиланинг барча оғирлиги онага тушибди.

Болалар оч-наҳор. Уйда тишга босгулик ҳеч нарса йўқ. Ушанда Наврўз айёми экан. Она, қорлар эригач, дала-

га бақриб-чақриб турган куйинчак оила вазири — уй бекаси онанинг ҳам чехрасига табассум юғурар.

Наврўз айёмида наларни орзу қилур эдингиз, деб азиз паларимизга мурожаат этамиз.

Отам дейдилар:

— Илоҳо, юртимиз осойишта, тинч бўлсин. Мен илтижо айлардимки, фарзандларим орқамда қолсун деб. Уларга бахт-саодатдан тахт тилайман. Ойламиз шаънига, исми-шарифига доғ туширмай эл-юртимиз учун садақат билан муносиб дунёни айланглар. Ҳар дақиқа у дунёни ўйлаб иш тутинглар. Бунинг манъоси шундаки, ҳаёт чоғингизда одамларга яхшилик, фақат яхшилик қилинглар. Кўпроқ меҳр-шафқат кўрсатинглар. Ҳасад, ғаразгўйлик, таъмағирлик, ёмонлик қилишдан ўзингизни



бўлади. Уйлаб қарасак, она табиатнинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Улар ўйлаб топилмаган, қадимий битикларда ҳам ёзилмаган. Кўёш, Ой, юлдузлар дунёни ва ниҳоят она Ер. Барчаси жой-жойида, расамда билан бепоён олам қўнида жойлашган. Кун чиқар, ботар, Ой чиқар, ботар. Юлдузлар эса кечаси нур сочиб, эрта билан гойиб бўлиб қолишар. Кўёш ўз заррин нурла-

Авал менинг ота-онам қабрини зиёрат этдик. Қуръон тиловат айлади. Сўнг дўстимнинг ота-онаси қўйилган «Минор» қабристонига бордик. Ҳар икки қабр ҳам қаровсиз ётибди. Ўт-ўланлар ўсиб кетган. Дўстимга қарайман. Хаёллари тўзгин. У яқинда олти-миш ёшани нишонлаб «Нур»да эл-юртта ош берган эди. Ёшлигимда кексалардан эшитганим — ҳар кишига боласидан буюрсин, ҳар киши боласидан кўрсин деган гапни эсладим. Кўнглим қоронғилашиб кетди...

Ватанин севмоқ, қалрамоқ, кўз қорачигидек асрамоқ иймондандир. Шу улғу Наврўз айёмида ҳар биримизнинг дилмиздаги орзу-истагимиз: истиқболли порлоқ қадимий ва навқирон она диёримиз — Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин. Эл-юртта тинчлик, халқимиз ҳаёти янада фаровон, бўлаверсин. Зеро, Ўзбекистонимиздек жаннатмакон, бой улқа ҳеч қаерда йўқ. Уни ҳеч кимга бермаймиз, ҳеч нарсага алишмаймиз!

Гуллар диёри бу. Баҳор улқаси бу. Наврўз келди она диёримизга, гул-лолалар нисор айлаб йўлимизга. Дов-лархлар гуллаб гўзалликка яна чирой кўркамлик қўшар. Бог-роғлар сабза бўлди, гуллар қийғос очилган, қўшлар сайрар Наврўз келди деб. Келинг дўстлар, истиқлолимизнинг нурафшон боғларида уни олқийшайлик.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

ри билан бутун жаҳонни ёриб юборгай.

Ёдимдан чиқмайди ҳеч. Ўтган йили Наврўз айёмида эрта билан бир қадрдон дўстим кўнгироқ қилиб қолди. Мени баҳор айёми билан табриқлаб, бутун бир кўришайлик деди.


Қабристонга кетаёпман, ота-онам қабрини зиёрат айлашга, ахир бутун Наврўз-ку, — дедим.

— Мен ҳам бирга бораман, — деб қолдим.

Юнусобода Президентимиз ташаббуси билан қўрилган улкан ёдгорлик — «Шахидлар хиёбони» ёнидан ўтиб борар эканмиз, шoirнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:

Наврўз келиб олам-олам гул,
Новдаларда ҳаёт уйғонса,
Қирлар узра гўлхаллар ёниб,
Лолаларни сабо уйғотса
Мени ёд эт.
Уша менман...

Йил боши тароналари



Онам дерлар:

— Шу гўзал айёмда, дуога қўл очиб айтурманки, фарзандларим бахтига, оиламиз саодатига болаларимнинг азиз отасининг умрлари зиёда бўлмай, хонадонимизга бошқоқ бўлсинлар. Фарзандларимга дейманки, Инсон деган сўз — энг улғу каломдир. Шунинг умтмангизки, Худонинг амри билан яратилган инсон деган жондан барча жонли дунёнинг муқаммали, энг улғуғидир. Ана шунга муносиб бўлинглар.

Онанинг дуои-нижобати унинг меҳри билан уйғуналиб кетгандир, қалби ҳаминша эзулиққа мойил. Барча фарзандларини баб-баравар севади. Уларнинг қай бири қийин, ночор аҳволга тушиб қолса, унга ёрдам беради, бошқаларни ҳам шунга ундайди. Она дуосини олган фарзанд ҳаминша рўшноликда

тийсангиз, эл-юрт уртасида обрў-этиборли бўлурсизлар. Яхшилик қўлингиздан келмаса, ёмонлик қилмангиз. Шунинг ўзи ҳам саваб ишдир.

Онам дерлар:

— Шу гўзал айёмда, дуога қўл очиб айтурманки, фарзандларим бахтига, оиламиз саодатига болаларимнинг азиз отасининг умрлари зиёда бўлмай, хонадонимизга бошқоқ бўлсинлар. Фарзандларимга дейманки, Инсон деган сўз — энг улғу каломдир. Шунинг умтмангизки, Худонинг амри билан яратилган инсон деган жондан барча жонли дунёнинг муқаммали, энг улғуғидир. Ана шунга муносиб бўлинглар.

Бобурийлар мероси Лондон музейида

асарлари илк маротаба намойиш этилган.

Мазкур суратларда «Ҳамзанома»да тасвирланган қаҳрамонлик ва сеҳргарлик, матонат ва садақат, афсонавий махлуқлар ва гўзал маликалар сий-

молари ўз аксини топган.

«Ҳамзанома» 1557 йилда бобокалонимиз Бобурий невараси Акбар Шоҳ ҳомийлигида яратилган бўлиб, уни тасвирий безаш жарайида юздан зиёд мусавварлар ўн беш йил

мобайнида иш олиб борган. Афсуски қўлзмага киритилган 1400 суратдан фақатгина икки юзга яқини шу кунларгача сақланиб қолган.

Дастлаб АҚШнинг Смитсониян музейида на-

мойиш этилган ушбу асарлар Лондондаги уч ойлик кўргазмадан сўнг Цюрихнинг Рьетберг музейига йўл олади.

Мардон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.

ВАТАН

Богда гуллар айтади баёт,
Қалдирғоч шифтда ўқийди оят.
Ишқининг ўзидек тотлидир ҳаёт
Ҳар кун, ҳар тонда
Ўзбекистонда.

Ҳаёт мазмуни саналар фарзанд,
Қисмат, тақдири юрт
билан пайванд.
Кексалар қўли дуода ҳар вақт
Собит иймонда
Ўзбекистонда.

Неча элат бор, барчаси иноқ,
Дерлар: ажралмас эт
билан тирноқ,
Бир-бирига шод очишар қучоқ
Омон-омонда
Ўзбекистонда.

Бахтига тимсол Ҳумолари бор,
Дунёга арзир дунёлари бор,
Жаҳонга машҳур даҳолари бор
Этиқод қонда
Ўзбекистонда.

Кунларда байрам файзи-сурури,
Юракда миллат ори-ғурури,
Тиниқ тортади онгим-шуурум
Озод Ватанда—
Ўзбекистонда.

Омон бўл юртим,
бор бўлгин элим,
Ўзинга туташ ҳаётим йўли,
Чўзсам ҳар ёнга этади қўлим,
Барчаси имконда
Ўзбекистонда.

Маймур БОБОР АЛИ.

Юртлар, гўшалар кўп яқину олис,
Йўлим баъзисига тушар дафъатан.
Қай бири нону туз тутар ҳам холис,
Лекин ҳеч қайсиси бўломас Ватан.

Ота-боболарим, аждодим, шоним
Шу юрт иқболи деб ёғини тўсган.
Садоқат, этиқод, собит имоним
Илдизи улардан куч олиб ўсган.

Қуръоннинг муборак оятларида
Мўътабар калом бор руҳи нурдай оқ.
Нидоси: эй фарзанд, дилинг қағрида
Сақла, иймандандур
Ватанин севмоқ.

Тупроғин кўзимга тўтиё айлаб
Ҳаққа юз тутганча
айтар жавобим:
Муқаддас меҳрини жондай авайлаб
Сигиниб яшайман —
Ватан меҳробим!
Абдиназор
ЭГМАНЗАРОВ.

Coca-Cola

Соза-Соза компанияси Сизлар билан бирга Ўзбекистон заминига интизор бўлиб кутилган Наврўз айёмини ташрифини қутлайди. Саломатлик, ривожланиш ва омад доимо сизга йўлдош бўлсин! Ушбу байрам онларида Соза-Соза сизларга баҳор кайфиятини бахш этади! Соза-Соза равақингиз йўлида доимо сиз билан биргадир!

«ХАЛҚ СЎЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва митақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатли ўқини тартиби № 00001
Буюртма Г — 253, 34889 нусхада босилган,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қопоз бичими А—2
Газета ИВМ қонилиётарида терилди ва операторлар
Жамил ТОҒАЕВ ва Акбар БОЛТАЕВ
томонидан саҳифаланган.
Тасвирингизда ҳажми 5 килограмм зинда
материаллар қабул қилинмайди.
Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусавҳах — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5 6